

April, 30th, 2021

FEATURES OF THE FORMATION OF THE SENSES OF NATIONAL PRIDE

N.Ergasheva

Senior Teacher

MTTDMQTMOI

Annotation:

At present, the education system pays special attention to spiritual and moral education. Due to the fact that each nation has a unique and appropriate mentality, it is expedient to follow the process of upbringing inherent in the mentality of the nation and society in the spiritual maturity of the younger generation, fostering a sense of devotion to the material and spiritual heritage of their ancestors.

Keywords:

National pride, pride, spiritual heritage, national mentality, education, upbringing

БОЛАЛАРДА МИЛЛИЙ ҒУРУР ҲИССИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

катта ўқитувчиси Н.И.Эргашева

МТТДМҚТМОИ

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ У ДЕТЕЙ ЧУВСТВА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГОРДОСТИ

старший преподаватель Н.И.Эргашева

МТТДМҚТМОИ

Аннотация:

Ҳозирги кунда таълим-тарбия тизимида маънавий-аҳлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир халқнинг ўзига хос ва ўзига мос менталитети мавжудлиги сабабли, ёш авлоднинг маънавий етукликка эришишида, аждодлари моддий маънавий меросига садоқат ҳиссини тарбиялашда ўша миллатнинг ва жамиятнинг менталитетига хос тарбия жараёнидан келиб чиқиш мақсадга мувоғикдир.

Калит сўзлар:

миллий ғурур, фахр, ифтихор, маънавий мерос, миллий менталитет, таълим, тарбия

Аннотация:

в настоящее время в системе образования уделяется особое внимание духовно-нравственному воспитанию. В связи с тем, что у каждого народа свой уникальный и соответствующий менталитет, процесс воспитания, заложенный в менталитете нации и общества, целесообразно проследить в духовной зрелости подрастающего поколения,

воспитывая чувство преданности материальному и материальному. духовное наследие предков.

Ключевые слова:

национальная гордость, гордость, духовное наследие, национальный менталитет, образование, воспитание.

Мамлакатимиз истиқололга эришганидан кейинги даврда миллий ғуур хисси инсоннинг ўз-ўзини англаши билан боғлиқ қадрият даражасига кўтарилиди. Мактабгача таълим тизимидан бошлаб Ватан туйғусини, миллий ғуур хиссини шакллантириш вазифасини бажаришига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ўз ўрнида бу эътиборга авлодлар диққатини мактабгача таълим ёсидан бошлаб тортишимиз зарур. Мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси, бу орзу истак йўлида қанчадан қанча ватанпарвар халқпарвар юртдошларимиз, Ватанимиз мустақиллигини учун қурбон бўлишган. Истиқлол шарофати билан бир неча асрлик тарихимиз, бой маданий-маънавий меросимиз яна қайта тикланиб халқимиз маънавияти ўзлигига эришди. Ҳозирги кунда таълим-тарбия тизимида маънавий-аҳлоқий тарбияга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир халқнинг ўзига хос ва ўзига мос менталитети мавжудлиги сабабли, ёш авлоднинг маънавий етукликка эришишида, аждодлари моддий маънавий меросига садоқат хиссини тарбиялашда ўша миллатнинг ва жамиятнинг менталитетига хос тарбия жараёнидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

“Миллий менталитет – бу моҳиятан муаян миллат ёки элат вакиллари ўртасидаги қарор топган ижтимоий алоқа ва улар ўртасидаги руҳий бирликнинг мавжудлиги ҳамда ҳар қандай вазиятда ўзаро бирдамликнинг сақланиб қолишини акс эттирувчи ҳолат. Ўзбек халқи маданиятида ижобий мазмун касб этувчи бағрикенглик, ватанпарварлик, ҳар қандай вазиятларда ҳам Ватанин тарк этмаслик, шовинизм, ирқчилик, миллатчилик ва диний адоват ғояларини инкор этиш; меҳнатсеварлик; жамоа бўлиб яшаш, этник бирликка интилиш; миллий қадриятларга содиқлик, шунингдек, ижтимоий ҳаётда урф-одатларнинг етакчи ўрин эгаллаши, шахсий манфаатларни устун қўйиш; миллий ғуур, ор-номуслик, қадр-қиммат, ҳаллоллик, ориятлилик, қон-қариндошчилик туйғусининг устунлиги, ота-онани, шунингдек кекса кишиларнинг ҳурматини сақлаш, никоҳ ва оилани муқаддас деб билиш; болаларни севиш (болажонлик); зўравонлик ва шавқатсизликни қоралаш; жамоатчилик фикрига таяниб иш қўриш; раҳбар шахсларга эргашиш каби хислатлар унинг моҳиятини англатувчи асосий кўрсаткичлардир” [150.320-321]. Маънавий аҳлоқий тарбиянинг асосини эса миллий ғуур, миллий ўзлик, инсонийлик, ватанпарварлик, умуминсонийлик, бағрикенглик қадриятлари ташкил қиласиди. Шу қадриятларни МТТ катта ва тайёрлов гурухи тарбияланувчилари шуурида тарбиялаш, ўринли фойдаланиш болаларнинг маънавий камолотга эришишининг зарур шарт шароитидир. Болалар онгиди миллий ғуур хис-туйғусини, миллий манфаат, миллий ғоя, миллий қадрият, ватанпарварлик ва миллий қиёфани турмуш тарзига айлантирган муносабатларни қарор топтирмасдан туриб, хуқуқий демократик давлат, эркин фукаролик жамияти қуришнинг жонкуяр, куюнчак ёш қаҳрамонлари, фидокорлари ҳакида гапириш бу қуруқ гапдан бошқа нарса эмас. Дарҳақиқат, буюк сиймолар ҳаёти, ижоди, уларнинг бизгача етиб келган маънавий мероси билан таништириш орқали уларда миллий ғуур хиссини шакллантириш мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларига мухим аҳамият касб этади. Буюк сиймолар ижодининг деярли барча жанрларига мансуб асарларида (мақол, ҳикоят, эртак, ривоят, достон, афсона) илгари сурилган таълимий-аҳлоқий ғоялар нафақат бола тарбияси, балки барчада бирдай аҳлоқий-маърифий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда донолик, жасурлик, тадбиркорлик, зийраклик, довюраклик, садоқат, миллий ғуур, тантилик, ватанпарварлик, бағрикенгликни бир сўз билан айтганда баркамол инсон –

April, 30th, 2021

комил инсон тарбияси таркиб топтиради, буюк сиймаларнинг ҳаёт йўли, таълим тарбияга оид маданий мероси билан танишиш орқали болалар халқимизнинг ўтмиши ва жаҳонга довруғ таратган буюк алломалари, мутафаккирлари, қомусий олимлари фаолияти, уларнинг дунё тамаддунига қўшган ҳиссаси, илмий-оммабоп, насрый, назмий, бадиий асарлар матни билан танишиш жараёнида улардан намуна олиши жараёнида шахс сифатида шаклланиб, ўз юрти, Ватанига садоқат, миллати қадриятларига хурмат эҳтиром руҳида тарбияланиб боради. Ўз юрти, ўз миллати, тупроғидаги буюк инсонлардан фахрланиш, ғурурланиш ҳислари, ўз навбатида улардан ўrnak олиш, уларга тақлид қилиш ҳислари таркиб топиб боради.

МТТ катта ва тайёрлов гуруҳи болалари учун миллий ғурур ҳиссини тарбияси шарқона урф-одатлар, миллий анъаналар, қадриятлар асосида Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, тўғрилик, миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат каби тушунчаларни шакллантиришга, таркиб топтиришга хизмат қиласди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
3. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари: 1 жилд Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – 304 б.
4. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 104 б.
5. Абу Али ибн Сино. Канон врачебной науки. Тошкент – 1985.-262.
6. Аскархўжаева М. Боғчаларда ўзбек тилини ўрганиш. Болалар боғчаси тарбиячилари учун методик қўлланма. – Т.: Ўқитувчи – 1994, 128 б.
7. Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
8. Азаров Ю.П. Оила педагогикаси.– Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 272 б.

№	Маълумотлар
1.	Эргашева Наргиза Иброхимовна
2.	5 шўъба. Мактабгача ва бошланғич таълим жараёнида инновацион технологияларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари
3.	Болаларда миллий ғурур ҳиссини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари
4.	Катта ўқитувчи
5.	МТТДМҚТМОИ
6.	90)9279372
7.	ergasheva-78@mail.ru